



ЯНГИ БАНК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ АСОСИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Аллаяров Фазлиддин Амануллаевич¹, Умаров Абдулқуддус
Абдилхатович²

¹Иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон
Республикаси Банк-молия академияси магистратура декани

²Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

“Банк иши” йўналиши магистранти,

E-mail:umarovabdulkuddus07@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5517207>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 05-sentabr 2021

Ma'qullandi: 10- sentabr 2021

Chop etildi: 15- sentabr 2021

KALIT SO'ZLAR

Банк, жорий этиш,
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг

ANNOTATSIYA

Ҳар қандай мамлакатларнинг жадал иқтисодий
ривожланиши у ердаги банк фаолиятининг юқори
самарадорлигиша бевосита боғлиқдир. Банк сектори
иқтисодиётнинг барча соҳалари билан боғлиқ бўлиб,
давлатнинг иқтисодий муносабатлар тизимининг бир
текис ишлашини таъминлайди. Бу эса банкларнинг
истеъмолчиларга ўзларинг инновацион
маҳсулотларини таклиф этиш орқали тижорат
банкларини самарадорлигини оширишлари мумкин.

Молия бозори иштирокчилари
банк хизматлари бозорида кескинлашиб
бораётган рақобат кураш айрим – айрим
олинган банкларнинг имкониятларини
чеклаб қўяди. Охир оқибат ушбу
омиллар мижозлар садоқатини
заифлашишига олиб келди, лекин бир
вақтнинг ўзида, янги технологиялар
жорий этиш ва янги маҳсулот ва
хизматларни ишлаб чиқиш, янги
мижозларни жалб этиш ва
мавжудларини сақлаб қолиш учун янги
имкониятлар топиш учун асосий
мотивацияга айланади.

Ўзбекистон жаҳон
иқтисодиётига интеграциялашуви
натijasида, мамлакатимизга кўплаб

хорижий банклар кириб қолмоқда.
Жумладан: АҚШнинг «J.P. Morgan Chase
Bank», «Кёнгнам Банк» (Корея
Республикасининг «Кёнгнам Банк»,
«Export-Import Bank of Korea», «Korea
Eximbank» ва Германиянинг
Landensbank Baden-Wurttemberg»
ҳамда «Commerzbank AG» банклари.

Ўзбекистондаги банкларда олиб
борган кузатувларимиздан ва
банкларнинг мижозлари билан олиб
борган ижтимоий сўровлардан шу нарса
маълум бўлдики, мижоз учун рақобат
асосан нархсиз бўлиб, у банкларни
нафақат рақобатни ўтказиш йўллари
ўзгартиришга, балки умуман банк
маҳсулотларининг "пакети" ни қайта



кўриб чиқишга мажбур қилади. Мижозлар томонидан банкка қўйилган янги талаблар ресурсларга доимий киришига имкон берувчи янги хизматлар ва операцияларнинг пайдо бўлишига олиб келади, банк маҳсулотларига табақалаштирилган ёндашув, максимал операцияларнинг тезлиги, банк ҳисоб рақамларидаги маблағлардан самарали фойдаланиш, молиявий маслаҳатлар, рақамли маҳсулотлари билан таъминлаш ва бошқалар.

Банкларнинг ўз истеъмолчиларига инновацион маҳсулотларини таклиф этиши уларни молия бозоридаги кескин рақобатда ютиб чиқишини таъминлайди. Бундан кўриниб турибдики, банк янги маҳсулотларини жорий этиши масалалари ҳозирги кундаги, иқтисодиёт ва бошқарув фанлари олдида турган энг долзарб масала ҳисобланади.

Шу муносабат билан, банк фаолияти самарадорлигини ошириш масалаларини ўрганиш, банк фаолияти самарадорлигини ошириш механизми бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш, бу борадаги сўнгги ҳодисаларни тушуниш, молиявий - иқтисодий фаолиятнинг ўзгарувчан ҳақиқатларига мос келадиган воситаларни такомиллаштириш ва ижодий қўллашдан иборат тадқиқотнинг долзарблигини аниқлади. Банк ва банк маҳсулотлари шунингдек хизматлари истеъмолчилари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг мижозга йўналтирилган моделини қуриш ва амалга оширишга назарий-методологик ёндашувларни ишлаб чиқиш алоҳида аҳамиятга эга.

Мавзунинг ўрганилганлик

даражаси. Банкларнинг мижозга йўналтирилган фаолият моделини шакллантириш илмий изланишларимизнинг асосий йўналиши ҳисобланади. Ушбу йўналиш бўйича маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг илмий ишлари таҳлили шуни кўрсатадики, банклар фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини оширишда янги маҳсулотларни жорий этиш, бу йўналишдаги муаммоларини ўрганиш олимларнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Ўзбек олимлари Абдуллаева Ш., Файзуллаева М., Галак О. ва Додбаев. Ю. Т. шунингдек хорижий олимлар Владиславлев Д.Н., Лаврушин О.И., Мельник М.В., П. Роуз, Дж. Синки, С. Канера, В. Конторович, Р. Каплан, Д. Нортонлар ушбу йўналишда самарали илмий ишлар олиб борганлар. Айниқса, Ш. Абдуллаева, М.Файзуллаева, О.Галакларнинг илмий ишлари истеъмолчилар талабига қаратилганлиги билан биз учун ўта муҳимдир. Ўзбек олимларидан А. А. Эралиев ва Дадажоновалар ўз илмий тадқиқотларида Ўзбекистон банкларида чакана хизмат кўрсатиш, лизинг, депозит, валюта, қимматли қоғозлар билан эмиссия ва инвестиция операциялари, кредитлаш ва банкларнинг овердрафт ва форфенинг шакллари хорижий банкларга нисбатан нисбатан паст ривожланганлигини таъкидлаганлар [6].

Айниқса, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига қилган Мурожаатномасида «2020 йил – Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили» деб эълон қилинганлиги, бу борада банк тизими олдида қатор вазифаларни бажаришни келтириб



чиқаради[3]. Шу сабабли рақамли иқтисодиёт тушунчасининг мазмун ва моҳиятини чуқур таҳлил этиш ва ёритиб бериш долзарб масалалардан биридир. Дунёда ахборот технологияларининг ривожланиши жараёнида, рақамли иқтисодиёт атамаси юзага келди ва ушбу атама биринчи марта Канадалик олим Дон Тапскот томонидан "Электрон рақамли жамият: тармоқ асрининг афзалликлари ва камчиликлари» китобида 1995 йилда ишлатилган. Унинг фикрича, бозор субъектлари фаолиятини рақамли трансформациялашнинг асосий омили рақамли маъданиятни ривожлантириш ҳисобланади. 1995 йилда америкалик дастурчи Николас Негропonte «рақамли иқтисодиёт» терминини амалиётга киритди. Ҳозирда бу истилоҳни бутун дунёдаги сиёсатчилар, иқтисодчилар, журналистлар, тадбиркорлар – деярли барча қўлламоқда. 2016 йилда Бутунжаҳон банки дунёдаги рақамли иқтисодиётнинг аҳволи ҳақида илк марта маъруза эълон қилди. "Рақамли иқтисодиёт" атамаси илмий амалиётга испаниялик ва америкалик социолог, ахборотлашган жамиятнинг етакчи тадқиқотчиси Мануел Кастелс томонидан киритилган. Бу борада у ўзининг "Ахборот даври: иқтисод, жамият ва маданият" номли уч жилдли монографиясини чоп этган. Унинг фикрича рақамли иқтисодиёт атамаси икки хил турдаги тушунчаларни ифодалаш учун ишлатилади. Биринчидан, рақамли иқтисодиёт – бу ривожланишнинг замонавий босқичи ҳисобланиб, у ижодий меҳнат ва ахборот неъматларининг устувор ўрни билан тавсифланади. Иккинчидан, рақамли иқтисодиёт – бу ўзига ҳос назария бўлиб,

унинг ўрганиш объекти, ахборотлашган жамият ҳисобланади. Рақамли иқтисодиёт назарияси ўз ривожланишининг бошланғич давридадир, чунки цивилизациянинг рақамли ахборот босқичига ўтиши бир неча ўн йил аввалгина бошланган.

Шу билан бирга, илмий-даврий адабиётларда банк фаолияти самарадорлигини ҳар томонлама баҳолаш масалалари, бўйича амалий тавсиялар банк фаолияти самарадорлигини ошириш механизми ва воситаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шу жумладан тижорат банки ва мижозлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг мижозга йўналтирилган моделини қуриш нуқтаи-назаридан етарли даражада ёритилмаган.

Тадқиқот мавзуси бўйича ишларнинг таҳлили банк самарадорлиги механизмини ишлаб чиқиш бўйича мавжуд қарашларни тизимлаштиришнинг объектив зарурлигини очиб берди. Банк фаолияти самарадорлигини оширишнинг бир қатор назарий ва амалий масалаларининг мураккаблиги, кўп қирралилиги ва етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги, уларни илмий тушуниш ва комплекс тизим таҳлилининг объектив зарурлиги мақсадларни танлаш, вазифаларни шакллантириш, тадқиқотнинг тузилиши ва мазмунини белгилаб берди.

Тадқиқотларимизнинг асосий мақсади – банк ва банк маҳсулотлари ҳамда хизматлари истеъмолчилари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг мижозларга йўналтирилган банк маҳсулотларининг янги моделига асосланган ҳолда Ўзбекистон тижорат банкларининг самарадорлигини



ошириш механизмини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича назарий асосни бериш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Бугунги кунда мамлакатимиз тижорат банклари фаолиятида аҳолига чакана банк хизматлари кўрсатишни ривожлантириш, унда ахборот коммуникацион-технологиялардан фойдаланган ҳолда банк хизматларининг янги турларини жорий этиш масаласи долзарб ҳисобланади.

Банк бизнесини янада такомиллаштириш мақсадида, кичик ва йирик молиявий технология компаниялари мижозларга кўрсатиладиган хизматларни яхшилаш учун “сунъий ақл-идрок” (artificial intelligence) ва рақамли технологиялардан кенг фойдаланилмоқдалар.

Чунки, бозордаги янги рақобатчилар барча ўлчамдаги эски молиявий институтларга таҳдид сола бошлади. Шу билан бирга янги технологиялар чакана хизматлар бозорида ҳам катта имкониятлар яратмоқда. Замонавий технологиялар мунтазам такомиллашиб боргани сайин, табиийки, соҳанинг қонунчилик асослари ҳам мустаҳкамланиб бораверади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида”ги Фармони ўз вақтида қабул қилинган ҳужжат экани билан ғоят аҳамиятлидир [1].

Бугунги кунда Ўзбекистонда электрон тўловлар, интернет глобал тармоғи ва мобил алоқа воситалари

орқали банк соҳаси мижозларига турли хилдаги интерактив хизматлар кўрсатиш тизимлари жорий этилиб, улардан самарали фойдаланилмоқда. Иқтисодий интеграция ва глобаллашув шароитида хўжалик субъектлари ва жисмоний шахслар ўз фаолиятларида электрон тўловлар, электрон тижорат имкониятларидан самарали фойдаланиш улар ўртасидаги ўзаро соғлом рақобатни мустаҳкамлаш билан бир қаторда юқори иқтисодий натижаларга эришиш омили ҳам ҳисобланади. аси 80 фоиздан 95 фоизгача арзонлашди. 109 «СМС-банкнинг», «Интернет-банкнинг», «Мобил-банкнинг ва бошқа мобил иловалар орқали коммунал тўловларни амалга оширганда, мижоз омонат ҳисобварағига маблағларни нақд ва нақдсиз кириш қилиш бу каби банк хизматларини оммалаштиришга эътибор қаратилганидан далолат бермоқда. Ҳозирги кунда тижорат банклари томонидан онлайн-банкнинг технологияларини, жумладан, мобил банкнинг хизматларини реал вақт режимида кўрсатиш тизимларини янада ривожлантириш, барча банкларнинг карталарини тўлиқ қамраб олиш мақсадида жисмоний шахслар учун мобил тўлов дастурларини яратиш ва жорий қилиш бўйича режа-графикларни ишлаб чиқилди. Нақд пулсиз тўловларни ривожлантириш борасида 2018 йилда банклар томонидан мобил тўлов дастурлари ёрдамида QR code ва NFC каби технологиялар асосида контактсиз тўловларни ўтказиш ва қабул қилиш имкониятини яратиш режалаштирилмоқда. Бу имкониятлардан бозорларда, сайёр ярмарка ва айниқса, транспортда



фойдаланилиш аҳоли учун қулай бўлади. Таъкидлаш жоизки, мобил тизимларнинг функционал имкониятларини кенгайтириш ўз навбатида, фойдаланувчилар нима софадан идентификация қилиш тизимларини ривожлантириш заруриятини яратади.

Масофадан идентификация қилиш банк хизматларини соддалаштирган ҳолда, банк операцияларини назорат қилиш талабларини таъминлайди. Мижозлар учун эса банк хизматларидан қоғоз ҳужжатларни қайта тақдим этмаган ҳолда фойдаланиш, банкнинг бир филиали мижози бўла туриб, бошқа филиаллари ва келажакда, бошқа банк хизматларидан фойдаланиш имкониятларини беради. Ўз навбатида, масофавий идентификация қилиш банк хизматлари таннархи камайиши натижасида янги мижозларни жалб қилиш ҳамда молия бозорида рақобатни ривожлантириш имкониятини беради. Натижада бу ишларни йўлга қўйиш банк даромадини оширишга ҳам туртки бўлади.

Ҳозирги кунда республикамиз ҳукумати томонидан банк тизимини ривожлантириш учун 2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг қўламли трансформация дастурини амалга ошириш, бу борада банкларнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини оширишга алоҳида эътибор бериш, ахборот технологияларини кенг татбиқ этиш орқали уларнинг дастурий таъминотини тубдан янгилаш, “кредит тарихи” ахборот тизимини тўлиқ ишга тушириш ҳамда соҳа учун замонавий кадрлар

тайёрлаш каби кескин чоралар қўриш вазифаси белгиланган.

Президент Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда, “Афсуски, банк тизими рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича замон талабларидан 10-15 йил орқада қолмоқда. 2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг қўламли трансформация дастури амалга оширилади. Бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини ошириш алоҳида эътиборимиз марказида бўлади” деб таъкидлаб ўтганлари алоҳида аҳамиятга моликдир [4].

Мамлакатимизни сўнгги уч йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг банк тизимида кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш, кўрсатилаётган хизматлар турларини янада кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан тўлақонли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш мақсадларида тижорат банкларининг иш услубларини тубдан ўзгартириш ва умуман мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда банк тизимининг ролини ошириш борасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон фармонида 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегиясида эътибор қаратилган молиявий секторни изчил ислох қилиш давомида қатор чоратадбирлар амалга оширилди ва натижада илғор банк бизнесини юритиш ҳамда ушбу секторда рақобат



муҳитини кучайтириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди.

Хусусан, халқаро стандартларга мувофиқ келадиган ва молиявий соҳага хорижий инвестициялар киритиш учун жозибадор ҳуқуқий муҳитни яратадиган Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги ҳамда «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги янгиланган қонунлари қабул қилинди.

Шу билан бирга, банк соҳасидаги ҳозирги ҳолат таҳлили банк секторида давлатнинг юқори даражадаги аралашуви, давлат иштирокидаги банкларда менежмент ва таваккалчиликларни бошқариш сифатининг етарли эмаслиги, иқтисодиётда молиявий

воситачиликнинг паст даражаси каби банк секторини иқтисодий янгиланишлар ва жамият эҳтиёжларига мос равишда ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, масофавий банк хизматларининг оммабоплигини оширишда унинг самарадорлиги улар келтирадиган фойда эмас, балки харажатларнинг иқтисод қилиниши билан асосланади. Бошқача қилиб айтганда, банк қурилишга ёки ижарага кетадиган харажатларни қисқартириш, банк ходимлари штати ва уларнинг бажарадиган ишлар ҳажмини қайта кўриб чиқиш, банк филиалларида бажариладиган кам даромадли операциялар салмоғини камайтириш имконига эга бўлади.

References:

1. Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Узбекистана. www.turkiston@.uz 52 от 29.12.2020г/
2. Абдуллаева Ш., Файзуллаева М., Галак О. Банковский менеджмент и маркетинг. Учебное пособие. / - Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2007. - 182 с.
3. Белоглазов Г.Н. и др. "Деньги, кредит, банки" / Под ред. ой: Учебник. – М.: Юрайт-Издат, 2016. – 620 с.
4. Владиславлев Д.Н. Энциклопедия банковского маркетинга. - М.: Ось-89, 2005. С. 56-100, 141-152.
5. Галанов В.А. Финансы, денежное обращение и кредит: Учебник. – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2014. – 416 с. 2 экз.
6. Додбаев. Ю. Т. И другие. Менеджмент и маркетинг в банках. - Т.: Ибрат, 2002. - 126 с.
7. Лаврушин О.И. "Банковский менеджмент" Учебник ФиС, 2009 г. 560 стр.
8. Эралиев А.А., Дадажонов М.М. "Значение инновационной деятельности в развитии банковско-финансовой системы страны". Жур. «Universum: экономика и юриспруденция». №9-10 (74).01.10.2021 г.
9. www.travel-library.com www.thebanker.com
10. <http://www.bankofengland.co.uk/markets/forex/index.htm>